Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 25-aprel, payshanba № 52 (3245)

Азал-азалдан ўзининг болажонлиги, оилага меҳри ва садоқати билан танилган эл-юртимизнинг, халқимизнинг қалбида доим сақланиб келаётган бундай олижаноб интилишлар мустақиллик йилларида Ўзбекистонда том маънодаги умуммиллий ҳаракатга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ислом КАРИМОВ

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Авваламбор, сиз, азизларни — «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган халқаро анжуман қатнашчиларини, Жамғарманинг барча ходимлари ва фаолларини бугунги қутлуғ сана билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мустақил Ўзбекистон тарихида ҳукуматга қарашли бўлмаган биринчи жамғарма сифатида ташкил топган, ноёб ва бетакрор хусусиятлари билан ажралиб турадиган ушбу ижтимоий тузилма ўтган давр мобайнида, ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда кўпгина ютуқ ва марраларга эришди.

Айниқса, юртимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилишдек эзгу мақсадга қаратилган, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган «Соғлом она — соғлом бола» дастурини ҳаётга жорий этишда Жамғарманинг беқиёс ўрни ва моҳиятини ўлчаш ва баҳолаш қийин.

Азал-азалдан ўзининг болажонлиги, оилага меҳри ва садоқати билан танилган эл-юртимизнинг, халқимизнинг қалбида доим сақланиб келаётган бундай олижаноб интилишлар мустақиллик йилларида Ўзбекистонда том маънодаги умуммиллий ҳаракатга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида замонавий перинатал ва скрининг марказлари бунёд этилгани, биргина 2012 йилда тиббиёт муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун 263 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, бу йўналишдаги ишларимизнинг кўлами ва миқёсидан далолат беради.

Юртимизда шаклланган репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича миллий модел Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилгани, ҳеч шубҳасиз, халқаро миқёсдаги юксак эътирофдир.

Бундай улкан ютуқларни қўлга киритишда кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Буни Жамғарма томонидан 1996 йилдан буён мамлакатимизнинг чекка ва олис туманларида яшаётган 3 миллиондан зиёд юртдошларимизга малакали тиббий-ижтимоий патронаж ёрдами кўрсатилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мазкур Жамғарма билан деярли бир вақтда таъсис этилган, мустақил Ватанимизнинг биринчи ордени бўлган «Соғлом авлод учун» ордени билан шу кунга қадар жами 850 дан ортиқ юртдошимиз, жумладан, чет эл фуқаролари тақдирлангани ва уларнинг сафи тобора кенгайиб бораётгани чуқур рамзий маънога эга.

Бу чиройли нишон кўксини безаб турган инсонларни кўрганда, менинг назаримда, мамлакатимизнинг бош майдони бўлмиш Мустақиллик майдонида ўрнатилган «Бахтиёр она» ҳайкали сиймосида айнан ана шу ордендаги она ва бола тасвири мужассам бўлгандек туюлади.

Мана шу қувончли айёмда «Соғлом авлод учун» ордени соҳибларини ва бугун давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган ватандошларимизни чин қалбдан табриклашни ўзим учун катта шараф, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган сизлар каби фидойи инсонларга, Жамғарманинг барча ходимлари ва фаолларига, аввало, унинг жойлардаги бўлимларида, маҳаллаларимизда сидқидилдан хизмат қилаётган жонкуяр опа-сингилларимизга ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим, деб ҳисоблайман.

Шулар қаторида мана шундай эзгу мақсад йўлида Жамғарма билан доимий ва самарали ҳамкорлик қилиб келаётган юртимиздаги ва чет эллардаги ҳомий ташкилотларга, халқаро институтларга самимий ташаккур изҳор этаман.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг 20 йиллиги билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, олижаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 апрел куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари икки томоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари узоқ муддатли асосда барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Давлатлараро муносабатлар ва ишбилармон доиралар, фан-таълим соҳаси, Ўзбекистон ва АҚШнинг фуқаролик жамиятлари вакилларининг самарали ҳамкорлиги ўзаро ҳурмат ва манфаатларни инобатга олиш тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда.

Суҳбат асносида томонлар долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар, жумладан, Афғонистондаги ҳозирги вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат котибининг ёрдамчиси самимий қабул ҳамда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этди, АҚШ раҳбарияти турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида бундан буён ҳам биргаликда иш олиб бориш тарафдори эканини қайд этди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишдаги катта хизматлари учун фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Инамова Светлана Турсуновна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Нурметова Реймажон Абдуллаевна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Боғот тумани таянч пункти директори, Хоразм вилояти

Юлдошев Даврон — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Нурота тумани таянч пункти директори, Навоий вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Пашакулова Сакина Аббасовна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Ангрен шаҳар таянч пункти директори, Тошкент вилояти

Усманова Юлдузхон Маматқуловна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Сирдарё вилояти минтақавий филиали директори

«Дўстлик» ордени билан

Джамбекова Сияре Сулеймановна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси тиббий-ижтимоий маркази шифокори

Нетесова Ирина Евгеньевна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бош ҳисобчиси

Раҳмонова Раҳима Рашидовна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Самарқанд вилояти минтақавий филиали директори

«Шуҳрат» медали билан

Артиқов Хайрулло Далолович — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Наманган шаҳар таянч пункти директори, Наманган вилояти

Бойиров Баҳриддин Ўралович — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Қашқадарё вилояти минтақавий филиали директори

Ибрагимова Мунаввар Ибрагимовна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Бухоро вилояти минтақавий филиали тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ҳамшираси

Тошпўлатова Масуда Джураевна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Олмазор тумани таянч пункти директори, Тошкент шаҳри

Тошбоев Абдулло Хурамович — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти минтақавий филиали бош ҳисобчиси

Тургунов Усманжон — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Андижон вилояти минтақавий филиали тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ҳайдовчиси

Халиков Фирдавс Давранкулович — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкилий-услубий бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 23 апрел

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

2013 йил 23 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ҳамда шу йил 18 январда республика Ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, энг аввало, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини жадал модернизациялаш ва ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурларини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга ошириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини ошириш ҳамда уни таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, жаҳон иқтисодиётида давом этаётган инқирозли ҳолатларга қарамай, иқтисодиётни модернизациялаш ва унинг рақобатбардошлилигини ошириш дастурининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли макроиқтисодий барқарорликни ва республика иқтисодиётини ўстиришнинг барқарор суръатларини сақлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш – 6,2 фоизга, қурилиш ишлари – 13,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Ички талабни рағбатлантириш ва ички бозорни рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар билан янада кўпроқ тўлдириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, чакана товар айланмаси 13,1 фоизга ва хизматлар ҳажми 9 фоизга кўпайди. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилдаги 52,1 фоиз ўрнига 52,5 фоизгача ўсди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 40,4 фоизга ўстириш таъминланди, импорт ўрнини қоплашнинг ҳисоблаб чиқилган самараси 1,0 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Энг аввало, иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришга ва модернизациялаш кўламларини кенгайтиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилаётганлиги, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 7,2 фоиз, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳажмининг 35,5 фоиз ўсишига кўмаклашди, уларнинг қарийб 84 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилади. 587 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, шунингдек, умумий қиймати 4,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 114 та янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Уларни мослаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобидан 1,3 триллион сўм миқдорида маблағлар йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида саноат тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ҳамда уларни экспортга етказиб бериш ҳажмлари ва турларини кўпайтириш дастурларининг бажарилишини муфассал таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокама давомида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго», «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниялари, «Ўзфармсаноат» давлат концерни, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг бир қатор корхоналари раҳбарлари олдига айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ва янги ишлаб чиқариш объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишда йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш юзасидан қатъий талаблар қўйилди.

Мажлисда фойдаланилмаётган резервларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш, қайта ишлаш тармоқларини, қурилиш индустрияси ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш ҳисобига ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган топшириқларнинг ижроси ҳолати кўриб чиқилиб, батафсил таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, фойдаланилмаётган резервлар ва ишлаб чиқариш қувватларини танқидий баҳолаш юзасидан Иқтисодиёт вазирлиги томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда амалга оширилган ишлар натижасида тармоқ ва ҳудудий ривожлантиришни ўзаро мустаҳкам боғлашни таъминлаган ҳолда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўртача муддатли дастурларига тузатишлар киритилди.

Муҳокама давомида барча даражадаги ҳокимликлар, тармоқлар, корхоналар ва Иқтисодиёт вазирлиги раҳбарлари олдига фойдаланилмаётган резервлар ҳамда қувватларни аниқлаш ва сафарбар этиш самарадорлигини янада оширишга, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўртача муддатли дастурлари параметрларини ва тадбирларининг бажарилишини сўзсиз таъминлашга йўналтирилган вазифалар қўйилди.

(Давоми 4-саҳифада).



СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Тошкентда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган «Соғлом авлод — миллат келажаги» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон парламенти аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари, мамлакатимиз ва бошқа давлатлар тиббиёт муассасалари мутахассислари, жамғармаининг ҳамкорлари — халқаро ташкилотлар вакиллари, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган «Соғлом авлод — миллат келажаги» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-саҳифада).

Jshonch

2013-yil 25-aprel № 52 (3245)

СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Давлатимиз раҳбарининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан 2013 йил 23 апрелда қабул қилинган фармонига мувофиқ бир гуруҳ ходимлар давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, ўз тараққиёти ва аниқ ижтимоий йўналтирилгани билан ажралиб турадиган кенг кўламли ислоҳотлар йўлини танлади. Мамлакатимизда аҳолининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади. Шу боис жисмонан соғлом, маънавий етук, ақл-заковати юксак, мустақил фикрлайдиган ва келажакка ишонч билан қарайдиган баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Бу борадаги хайрли ишларда давлат тузилмалари қатори мамлакатимизнинг кўплаб жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар орасида Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил 23 апрелда қабул қилинган фармонига биноан ташкил этилган «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси алоҳида ўрин тутади. Жамғарма хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига санитария-гигиена қоидаларини етказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жамғарма давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш билан бирга, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашдек муҳим вазифаларга тўлиқ жавоб берадиган ўзининг кўплаб лойиҳаларини ҳам ҳаётга татбиқ этмоқда.

Анжуманда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова жамғарма фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.

Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларини, жумладан, фаровон, соғлом ҳаёт кечириш ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси мамлакатимиз ратификация қилган дастлабки халқаро ҳужжатлардан биридир. Истиқлол йилларида бу соҳага тааллуқли 14 қонун, шу жумладан, 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун, давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ҳамда қарорлари, юздан ортиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Соғлом болалар туғилиши ва вояга етиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлиги сифатини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада яхшилаш, оила институтини мустаҳкамлашга доир самарали чоралар кўрилмоқда. Мамлакатимизда болалар соғлом туғилиб вояга етиши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жадал амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиши учун муҳим ишлар бажарилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида жаҳон ҳамжамияти томонидан бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида эътироф этилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели яратилди. Бугун кўплаб давлатлар Ўзбекистонда яратилган моделни ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасида ўз ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон рейтингида болалар саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган ўн давлат қаторидан жой олгани ҳам мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган улкан ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комиловнинг таъкидлашича, том маънода умуммиллий ҳаракатга айланган «Соғлом она — соғлом бола» дастурини ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда энг чекка туманлардаги хотин-қизлар ва болаларга ҳам малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Замонавий аппаратура билан жиҳозланган қарийб 3200 қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. Давлат томонидан кафолатланган бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги тизим ташкил этилиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Туғруқхона комплекслари ва болалар тиббиёт муассасаларининг фаолияти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига жавоб берадиган илғор ташхис қўйиш, профилатика ва даволаш технологияларига асосланган. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида скрининг-марказлар тармоғининг ташкил этилиши ҳисобидан ирсий касалликлар ва ривожланишда туғма нуқсонлари бор болаларнинг туғилиши сезиларли даражада камайди. Перинатал марказлар тармоғида янги тиббий услублар кўмагида энг мураккаб ҳолатларда ҳам болаларнинг соғлом туғилишида ёрдам кўрсатилмоқда. Барча тиббиёт муассасалари халқаро стандартлар асосида тайёрланган юқори малакали кадрлар билан таъминланган. Ҳар йили туғиш ёшидаги аёллар ва болаларни оммавий профилактика кўригидан ўтказиш йўлга қўйилган. Витаминлар ва микроэлементлар етишмаслигини, хусусан, унни тўйинтириш ҳамда тузни йодлаш орқали олдини олиш бўйича дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Икки ёшгача бўлган болаларнинг барчаси эмланмоқда. Ушбу чора-тадбирлар натижасида хотин-қизлар ҳамда болалар ва умуман, мамлакатимиз аҳолисининг касалланиш даражаси анча камайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги қарорига асосан «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан ноёб тиббий-ижтимоий патронаж тизими ташкил этилди. Бу вазифани мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида шакллантирилган сайёр бригадалар мутахассислари амалга оширмоқда. Улар оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий шароити, улардаги психологик муҳит ва оила аъзоларининг саломатлигини ўрганмоқда. Бундай патронаж тизими фаолият кўрсатишни бошлагандан буён замонавий ташхис қўйиш ва даволаш услубларидан фойдаланган ҳолда, 3 миллион нафардан ортиқ киши, асосан олис аҳоли пунктларида яшайдиган хотин-қизлар ҳамда болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Кўмакка муҳтож оилаларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари бир пайтнинг ўзида оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган кенг санитария-маърифат ишларини ҳам амалга оширмоқда. Шу мақсадда маҳаллалар, таълим муассасаларида мутахассислар иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

Сўнгги икки йилда жамғарма томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни соғломлаштириш ва баркамол тарбиялашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш борасида ўнлаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси иштирокида Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига саккиз марта «Саломатлик» поезди ташкил этилди. Бу поездларнинг шифокорлар бригадалари таркибига мамлакатимиз етакчи клиникаларининг ташхис қўйиш ва даволаш билан шуғулланадиган турли соҳа мутахассислари киритилган бўлиб, улар аҳолига тиббий маслаҳатлар бермоқда, даволаш ва профилактик ёрдам кўрсатмоқда. Бундан ташқари, жойларда аҳоли, биринчи навбатда, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга хайрия ёрдами кўрсатилмоқда, дорилармонлар, витаминлар ва гигиена воситалари берилмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон хотин-қизлар ва болаларни бепул скрининг-текширувдан ўтказиш бўйича тизим фаолият кўрсатаётган дунёдаги кам сонли ва МДҲдаги ягона мамлакат экани таъкидланди. «Она ва бола скрининги» Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида сўнгги икки йилда мамлакатимиз скрининг марказларида қарийб уч миллион неонатал тадқиқот ўтказилди. Хавфли гуруҳга кирадиган чақалоқларда ирсий касалликларнинг олдини олиш мақсадида зарур препаратлар ва махсус болалар озуқалари бепул берилмоқда.

Соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий даволаш-ташхис қўйиш асбоб-ускуналари, инвентар ва дори-дармонлар билан таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонаси, Нукус шаҳридаги туғруқхона комплекси, «Чортоқ» болалар санаторийси, бошқа тиббиёт ҳамда соғломлаштириш муассасаларига шундай манзилли ёрдам кўрсатилди. Тошкентда «Соғлом авлод учун» жамғармаси Тиббий-ижтимоий марказининг янги биноси қурилиб, тўлиқ жиҳозланди. Жамғарма мамлакатимиз ҳудудларидаги шифокорларнинг хорижий тиббиёт марказларида малакасини оширишга ҳам кўмаклашмоқда.

Жамғарма хорижий шерикилар ёрдамида туғма касалликлари ва ривожланишда нуқсонлари бор болаларни мамлакатимиздаги, Австрия, Германия ва Жанубий Кореядаги энг яхши клиникаларда бепул ва тезкорлик билан даволашни йўлга қўйди.

Хайрия фаолиятига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ногирон болалар, серфарзанд ва кам таъминланган оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Шубҳасиз, соғлом турмуш тарзини таъминлашда энг яхши восита — бу жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдир. Шунинг учун хотин-қизлар ва болалар, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш жамғарма фаолиятида муҳим ўрин тутади. Бу борада спортнинг теннис ва стол тенниси, бадиий гимнастика, синхрон сузиш, бадминтон, волейбол каби кўплаб турлари бўйича турли мусобақалар ташкил этилмоқда. Баркамол авлодни тарбиялашда болаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда ҳар йили ёш мусиқачилар, хонандалар, раққос ва рассомларнинг республика ҳамда ҳудудий кўрик-танловлари ўтказилмоқда.

Жамғарма томонидан мамлакатимиз давлат ва жамоат тузилмалари, халқаро шерикташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар, аввало, узоқ муддатли самарага эришиш — миллат генофондини сақлаш ҳамда яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлиги ва сифатини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва вояга етиши учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Мамлакатимизда Обод турмуш йили деб эълон қилинган 2013 йилда «Соғлом авлод учун» жамғармаси болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг саломатлик сифатини ошириш бўйича ўзининг инсонпарварлик ҳамда хайрия миссиясини бажаришни янада фаоллаштириши таъкидланди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими уч баравар камайганида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Конференцияда хорижий иштирокчилар Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялаш борасида қўлланилаётган янгича ёндашув улкан натижалар бераётганини, бу дунёнинг бошқа кўплаб давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши ҳамда мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат юксак самаралар бераётганидан далолат эканини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққан «Прибори Ой» компаниясининг тижорат директори Мария Кивисто (Финляндия), «Фриеденсдорф интернейшнл» халқаро ташкилоти директори Томас Якобс (Германия), Корея халқаро соғлиқни сақлаш фонди вице-президенти (KOFIH) Пак Пёнг Рёль (Корея Республикаси), Туркия халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигининг (TIKA) Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Явуз Жорух, Россия Тиббиёт фанлари академиясининг тиббий-генетика илмий маркази лабораторияси мудири Екатерина Захарова ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Муҳокама якунлари бўйича қабул қилинган тавсияларда Ўзбекистонда соғлом болалар туғилиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлар сифатини тубдан яхшилаш, бу борадаги ишларда жамоат ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш ҳамда уларнинг салоҳиятидан ҳар томонлама фойдаланиш бўйича тўпланган бой тажрибани ўрганиш ва кенг қўллаш зарурлиги қайд этилди.

«Туркистон» саройида меҳрибонлик уйлари болалар ижодий жамоалари иштирокида «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган байрам концерти бўлиб ўтди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Анна ИВАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири.
Аъло АБДУЛЛАЕВ
(ЎзА) олган сурат



ИННОВАЦИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкентда VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси очилди

Инновациялар давлатнинг муҳим стратегик ресурсларидан биридир. Ижтимоий-иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, янги саноат ва молия технологияларини жорий этиш, инновация-инвестиция инфратузилмасини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни сақлаш ва кўпайтириш, импорт ўрнини босадиган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, валюта захирасини тўплаш маълум даражада инновация фаолияти билан боғлиқдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 15 июлда имзоланган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланган Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш йўналиши инновацион иқтисодиётга ўтишни назарда тутади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов анъанавий Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ғоят муҳимлигини таъкидлади. Негаки, у муҳим вазифани ҳал этиш — инновацион тараққиёт жараёнларини кучайтириш учун саноатчилар, олимлар ва тадбиркорлар саъй-ҳаракатларини интеграциялаштиришга хизмат қилмоқда.

Аввалги ярмаркалар натижалари бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу тадбирларда икки мингдан зиёд инновацион ғоялар ва технологиялар намойиш этилиб, умумий қиймати 44,7 миллиард сўмлик 1545 шартнома имзоланган эди. Натижада 480 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди, 19 турдаги янги маҳсулотни ялпи ишлаб чиқариш бошланди, 24 шартнома доирасида саноат-тажриба ишлаб чиқариши йўлга қўйилди.

«Ўзэкспормарказ»да бу йил олтинчи марта ўтказилаётган ярмарка Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ташкил этилди. Унда вазирликлар, идоралар, банклар, иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари, олий ўқув юртлари, илмий марказлар ҳамда тажриба-конструкторлик ташкилотлари кенг иштирок этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ярмаркаларда намойиш этиш учун мўлжалланган ишланмаларга нисбатан талаблар йилдан-йилга кучайтирилмоқда. Бунда ишлаб чиқаришнинг юқори технологияли секторига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ҳозирги шароитда фақат илмталаб маҳсулотларгина бозорлардан мустаҳкам ўрин эгаллаши мумкин. Мамлакатимиз вазирликлари, идоралари ва йирик компанияларининг етакчи мутахассисларидан таркиб топган ишчи гуруҳи шунга риоя этган ҳолда, илмий, таълим, конструкторлик ташкилотлари ва ихтирочиларнинг 607 аризасини кўриб чикди. Улар орасидан саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, фармакология, ахборот, илм-фан ва таълим соҳасини ривожлантиришга доир энг истиқболли 550 технология, инновацион ғоя ҳамда лойиҳа танлаб олинди. Улар билан кўргазма майдончаларидаги стендлар орқали танишиш мумкин. Масалан, Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти темир йўл локомотивлари, автомобил транспорти, тракторлар редукторлари ва углеводород хомашёсини дастлабки ҳайдашга тайёрлаш учун мойлаш материалларини олиш технологияси, шунингдек, нефт-газ қудуқларини мустаҳкамлаш учун оғирлаштирилган тампонаж цемент ҳамда лойли бурғилаш қоришмалар учун оғирлаштиргични, Микробиология институти биогаз олиш учун маҳаллий метаноген микроорганизмларнинг маҳаллий ассоциацияси пепаратлари, Қарши давлат университети кўкаламзорлаштириш учун гулли-манзарали ўсимликларнинг янги навлари, Андижон қишлоқ хўжалиги институти ички ёниш двигатели ҳаво тозалагичининг филтрловчи қурилмасини намойиш этмоқда.

Муқобил энергия манбалари, чунончи, қуёш энергиясида ишлайдиган технологиялар ярмарка қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Бу мамлакатимиз ушбу соҳада улкан салоҳиятга эга эканлиги ва мазкур ишлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани билан боғлиқдир. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 1 март куни қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил этишга оид қарори қабул қилинди.

Масалан, Тошкент архитектура-қурилиш институти иссиқ сув таъминотининг қуёш-электр қурилмаси, Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти кўчма мураккаб фотоэлектр қурилмалари учун Стирлинг двигатели, қуёшдан кам қувватли зарядлаш қурилмаси, Фарғона политехника институти маиший қуёш сув иситгичлари ҳамда иссиқ ва қайнатилган сув олиш учун қуёш параболоцилиндрик аппаратни тақдим этмоқда.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришни чуқур интеграциялаштириш мақсадида ўтган йилги ярмарка доирасида ташкил этилган «Технологиялар трансфери» йўналиши кенгайтирилди. Бу ерда аввалги тадбирда тақдим этилган ва бугунги кунда ҳам истеъмолчилар томонидан катта қизиқиш билдирилаётган 100 ишланма намойиш этилмоқда.



— Ярмаркада олтинчи марта иштирок этмоқдамиз, — дейди Кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти профессори, техника фанлари доктори Мирахмад Юнусов. — Уч йил аввал нефт-газ саноати катализаторларини намойиш этган эдик ва бугун улар амалда қўлланилмоқда. Бу қурилмалар Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида муваффақиятли ишлатилмоқда, турли саноат реакторларида синовдан ўтказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, илгари улар четдан олиб келинарди, бугун эса мамлакатимизда уларни ялпи ишлаб чиқариш имкониятига эгамиз. Ярмарка бизга ушбу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйишга ёрдам беради, деб ишонаман.

Шуниси эътиборлики, бу йилги ярмаркада ёш олимларнинг ғоя ва ишланмаларига кенг ўрин берилган. Негаки, ушбу жараёнга ёш авлод вакилларини кенг жалб қилиш мамлакатимиз инновацион иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун давлатимиз уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, маблағ ажратмоқда ва инновация тадқиқотларини ўтказиш учун шароит яратиб бермоқда. Бунинг самарасида кўплаб иқтидорли ёшлар натижалари катта амалий аҳамиятга эга ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлаб чиқаришга жорий этилаётган тадқиқотларда қатнашмоқда. Масалан, жорий йилги ярмарка экспозицияси 74 нафар ёш олим, талаба ва «Келажак овози» республика танлови ғолибларининг ишланмаларини ўз ичига олган.

— Бугун мен ўз лойиҳамни намойиш этиш имкониятига эга бўлганимдан ғоят хурсандман, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг тўртинчи босқич талабаси Сардор Ҳамроев. — Ушбу лойиҳам билан «Келажак овози — 2012» танловида ғолиб бўлган эдим. Унинг ўзига хослиги шундаки, лойиҳамиз асосида Ўзбекистон жанубида қуёш батареялари, шамол генераторлари, электр ва иссиқлик аккумуляторлари билан жиҳозланган экологик тоза уйларни қуриш ва бундан катта иқтисодий самара олиш мумкин. Айни пайтда Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш устида иш олиб бормоқдамиз.

Мамлакатимиз йирик саноат ишлаб чиқаришлари тақдимотлари бу галги ярмарканинг ўзига хос жиҳати эканини қайд этиш зарур. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниялари, Олмалиқ ва Навоий конметаллургия комбинатлари, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси сингари корхона ва ташкилотлар мутахассислари ишлаб чиқаришга инновацион ғоялар, технологиялар ҳамда лойиҳаларни жорий этиш самарадорлиги ҳақида сўзлаб бермоқда.

Ярмарка давомида инновацион тараққиётнинг ҳудудий муаммоларига бағишланган семинар бўлиб ўтади. Вилоятларнинг бу борадаги тақдимотлари ўтказилади, жойларда инновацияларни ривожлантириш билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама этилади. Фемерлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини оширишда фойдаланишга мўлжалланган янги технологиялар ва инновациялар намойиш этилади.

Мухтасар айтганда, навбатдаги Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси илм-фан ва ишлаб чиқаришни тўлиқ интеграциялаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича долзарб муаммоларни ҳал этиш учун илмий салоҳиятни кенг жалб этиш имконини беради.

VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ғ.Ибрагимов, У.Розуқулов иштирок этди.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири.
Аскар ЁҚУБОВ
(ЎзА) олган суратлар

Ishonch
2013-yil 25-aprel № 52 (3245)

Ҳар қандай халқ, давлат ва жамият тараққиёти инсон ҳамда унинг манфаатларини ривожлантиришга нечоғли эътибор қаратилаётгани билан чамбарчас боғлиқдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Айнан шу боис чуқур билимга эга баркамол авлодни шакллантириш, янгича фикрлайдиган ва давр билан ҳамқадам юрадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш давлатимиз ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

БИЛИМ, ҚОБИЛИЯТ ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ

Тошкентда Мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадаси очилди

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши мустаҳкамланган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, қонунлар қабул қилиниши самарасида ёшларнинг ақлий, жисмоний ва маънавий ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Моҳиятига кўра ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилаётгани юксак натижалар бермоқда.

Истиқлол йилларида таълим соҳасини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 мингта мактаб қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, ўқув жараёнини сифатли ва услубий янгилашга доир чоралар кўрилди. 1500 дан зиёд касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилиб, замонавий ўқув-лаборатория, компьютерлар ҳамда ишлаб чиқариш ускуналари билан таъминланди. Айни пайтда Ўзбекистонда ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш учун давлат сарф-харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Бу мамлакатимизда мазкур соҳага нечоғли катта эътибор берилаётганидан далолатдир.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий ўқув юртларида жаҳон тажрибаси инобатга олинган ҳолда, давлат таълим стандартлари асосида ўқитилмоқда. Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогика ва ахборот технологияларини жорий этишга доир кенг кўламли ишлар давом эттирилмоқда. Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб, мактабларнинг биринчи синфидан хорижий тилларни узлуксиз ўқитиш тизими жорий этилади.



Президентимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборга жавобан, ёшларимиз турли халқаро мусобақалар ва фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимиздан 253 нафар ўқувчи турли фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда қатнашиб, 21 олтин, 51 кумуш, 90 бронза медали, шунингдек, юздан ортиқ дипломга эга бўлди.

Халқаро жамоатчиликни Ўзбекистонда таълим соҳасида тўпланган тажриба ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари, юқори маълумотли, интеллектуал ривожланган авлодни тайёрлашда давлатнинг роли билан кенг таништириш мақсадида 2012 йилнинг 16-17 феврал кунлари Тошкентда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг 48 давлатидан, саккизта халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 300 нафарга яқин эксперт иштирок этди. Улар Ўзбекистон тажрибасини ўрганиб, ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, ўз қараши, танлови ва қатъий фуқаролик позициясига эга шахсни шакллантиришга қаратилган таълим тизимини ислоҳ қилиш принципларини қўллаб-қувватлади.

Шуниси эътиборлики, жорий йил 24-30 апрел кунлари мамлакатимиз кенг кўламли ва аҳамиятли халқаро интеллектуал мусобақалардан бири — Мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадасига яна мезбонлик қилмоқда. Бундай тадбирларни ўтказиш бўйича мавжуд тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатимизда катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. 2008 йилда Ўзбекистонда кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг ўтказилгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Иштирокчиларнинг назарий ва тажриба вазифаларини бажариши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган, олимпиада доирасида қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

24 апрел куни М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиалида кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Озарбойжон, Беларус, Болгария, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Македония, Молдова, Россия, Руминия, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркманистон, Туркия ва Украинадан 17 жамоа, олимпиада ташкилий қўмитаси, халқаро ҳайъат аъзолари, экспертлар, дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Тадбирда бундай муҳим воқеанинг яна Тошкентда ўтказилаётгани мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи, давлатимиз раҳбарининг келажак авлодга қаратаётган эътибори ҳамда ғамхўрлигидан далолат экани таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Олимпиада уч — иккита назарий ва битта амалий босқичдан иборат. Унда 117 нафар йигит-қиз, яъни кимё фани бўйича миллий олимпиадалар ғолиблари иштирок этмоқда. Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган жамоа мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида туман, шаҳар, вилоят ҳамда республика босқичлари саралаш турлари натижалари бўйича шакллантирилди. Олимпиада ғолиблари Москва давлат университети ва бошқа нуфузли олий ўқув юртларига имтиҳонсиз ўқишга кириш имконига эга бўлади.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: *Ўзбекистонлик олимпиада иштирокчилари.*

Саравр ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

Диққат, танлов!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ» РЕСПУБЛИКА АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ижобий ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари, барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган техник ва технологик янгиланиш ҳамда модернизация жараёнлари, қабул қилинаётган Давлат дастурларининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва қадр-қимматини кенг жамоатчиликка етказиш, бу борада амалга оширилаётган ишлар тарғиботига муносиб ҳисса қўшиш, оммавий ахборот воситалари ходимларини инсон манфаатларини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишларни янада кенг ёритишга жалб этиш мақсадида журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» Республика анъанавий танловини ўтказади.

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган мазкур танловга 2012 йилнинг 1 июнидан 2013 йилнинг 1 июнигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган, телевидениеда намойиш этилган ва интернет нашрларида эълон қилинган материаллар 2013 йилнинг 5 июнигача қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик материалларда мустақиллик йилларида диёримизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий, маънавий ва маърифий соҳаларда энг юқори натижаларга эришиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг, аввало, инсон манфаатларига йўналтирилганлиги чуқур таҳлил орқали очиб берилиши лозим. Материалларда, хусусан, қуйидаги масалалар ёритилганлигига эътибор қаратиш зарур:

- давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ижтимоий шериклик асосида инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари уйғунлиги;

- демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, шу жумладан, муносиб тарзда меҳнат қилиш, дам олиш, ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш каби қонуний манфаатлари ҳимояси;

- жамоатчилик назорати;

- касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклик асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги фаолият йўналишлари;

- маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш;

- ҳомийлик ҳамда хайрия ишлари ва бошқалар.

Танлов ғолиблари оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича аниқланади:

Босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши журналистик материал (газета ва журналлар — 1, 2, 3-ўринлар);

Электрон оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, интернет журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Шунингдек, ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича учтадан рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилган.

Танлов ғолиблари ва рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар 5 тадан кам бўлмаслиги керак.

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши лозим.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши керак.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова этилиши зарур:

- муаллиф ва унинг иш жойи, журналистик фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

- муаллиф паспорти нусхаси;

- муаллиф манзили ва боғланиш телефонлари.

Танлов ғолибларини мукофотлаш тадбири 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида тантанали равишда ўтказилади.

Материаллар «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100165,
Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши,
4-қават, 3-хона. Телефонлар: 256-52-79; 252-21-18.
www.pressa@sfp.uz

Фарҳод Дилмуродов Ғиждувон туманидаги «Ғовшун» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшайди. Ёш тадбиркор. Ўтган йили «Армечан» маиший хизмат касб-ҳунар коллежини битирган. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси бўйича мутахассис. Ўқиш даврида дарсларни пухта ўзлаштириш билан бирга коллеж цехларида ва «Бухородонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятида амалий машғулотларини ўтаган. Ушбу жараён бугунги кунда новвойлик касбини шарафлаб, эл ҳурматини қозонишида қўл келмоқда. Фарҳоднинг тенгдошлари ва собиқ курсдошлари «Чўғалон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дурдона Жўраева ва Гулчирой Рамазонова ҳам олган билим ҳамда тажрибалари асосида турли пиширириқлар тайёрлаб, элга намунали хизмат кўрсатмоқдалар.

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Вилоятдаги касб-ҳунар коллежларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг фаолиятини яхшилаш, доимий равишда ҳамкорлик қилиш ва битирувчиларга барқарор иш ўринлари ташкил этиш учун вилоят ҳокими ўринбосарлари, корхона ва ташкилотлар масъул. Касб-ҳунар муассасаларига буюртмаларни шакллантириш, ўқувчиларнинг амалиётини ташкил этиш ва битирувчиларни доимий иш ўрни билан таъминлаш бўйича вилоят ишчи гуруҳлари тузилиб, аниқ вазифалар белгилаб олинган. Шунингдек, ҳафтанинг ҳар пайшанбаси вилоятда «Касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш куни» деб эълон қилинган.



Ғиждувон маиший хизмат касб-ҳунар коллежида 10 йўналишда мутахассислар тайёрланади. «Нон, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси» ана шу йўналишдан бири. Ушбу гуруҳда 25 нафар 3-босқич ўғил-қизлари сабоқ олиб, ҳунар ўрганади.

— Коллежимизга 2006 йили Полша давлати гранти асосида 134 млн. сўмлик жиҳозлар олиниб, 2 та цехда ўрнатилди, — дейди гуруҳ раҳбари, ишлаб чиқариш таълими устаси Вафо Раҳимов. — Цехларнинг бири нон, булка ва унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлса, иккинчисида макарон ва вафли ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Ўқувчиларнинг касб сирларини пухта эгаллашларига, етук мутахассис бўлиб етишишларида цехдаги жиҳозларнинг аҳамияти муҳим ўрин тутаяпти. Ҳамкор ташкилот — «Бухородонмаҳсулотлари» билан ягона мақсад асосида ишлаётганимиз эса имкониятларимиз доирасини кенгайтирмоқда.

Уч томонлама — коллеж, битирувчи ва иш берувчи ўртасида имзоланган шартнома талаблари тўла бажарилмоқда. Жумладан, коллеж раҳбарияти назарий билимлар савиясини ошириш, қулай шароитлар яратиш ва бошқа муҳим жиҳатларга эътибор қаратса, битирувчилар машғулотларга тўлиқ қатнашишга, чуқур билим олиш ва касб сирларини пухта эгаллашга интилишаяпти. «Бухородонмаҳсулотлари» ОАЖ эса ўз навбатида соҳа бўйича битирувчиларни ўқув ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, кейинчалик уларни ўз мутахассисликлари бўйича барқарор ишга жойлаштириш чораларини кўряпти.

Яна бир муҳим жиҳат. Ҳамкор корхона билан коллеж ўртасидаги масофанинг борди-келдиси 100 километрдан ортиқ. Шу сабаб вақтдан самарали фойдаланиш, битирувчиларга қулайлик яратиш чораси топилди. Корхона коллеждаги нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехларини ижарага олиб, битирувчилар билан ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бундан ташқари, корхонанинг ўзида ҳам амалий ўқув машғулотлари ташкил этилиб, алоҳида хона жиҳозланди. Битирувчилар вақти-вақти билан бу ерга олиб келинади. Бўлажак мутахассислар маҳсулот ишлаб чиқариш цехларида бўлиб, амалий жараёнлар билан таништирилади. Етакчи мутахассис Икром Бозоров битирувчиларнинг амалий машғулотлари учун масъул этиб тайинланган. Шунингдек, корхона раҳбари, бош муҳандис, технолог ва етакчи мутахассислар ҳам ўз маъруза ва суҳбатлари билан битирувчиларнинг эътиборини қозонмоқдалар. Ҳамкорлик келгусида ўзининг ижобий самарасини беришига шубҳа йўқ.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири.

Суратда: *ишлаб чиқариш таълими устаси Вафо Раҳмонов битирувчи гуруҳ ўқувчилари билан машғулот пайтида.*

Муаллиф олган сурат

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Гулистон тиббиёт касб-ҳунар коллежида «Ҳамширалик иши», «Тиббий профилактика», «Фармация», «Даволаш иши» йўналишлари бўйича 1700 дан зиёд ўқувчи-ёшларга юқори малакали педагоглар сабоқ беришяпти. Ўқувчиларнинг амалиёт ўташи ҳамда ишга жойлашишини таъминлаш мақсадида шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда бир қатор тиббиёт марказлари билан уч томонлама шартномалар тузилган.

— Тиббиёт илмини эгаллаш ғоят нозик ва масъулиятли жараён, — дейди коллеж раҳбари Саидвали Ҳасанов. — Коллежда ёшларнинг нафақат етук мутахассис, балки маънавиятли инсонлар бўлишида Обид Саидниёзов, Абдурашит Абдуқодиров, Гавҳар Ибодуллаева, Турсунбой Алибеков каби педагогларнинг хизмати катта. Дарвоқе, коллеж жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда спортни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун «Йилнинг энг яхши спорт зали» номинациясига муносиб топилиб, вилоят ҳокимининг қимматбаҳо совғасига эга бўлди.

Бўлажак тиббиёт мутахассислари яратилган шароит ва ғамхўрликка жавобан астойдил ўқимоқдалар.

Б. БЕК

Узун агросаноат касб — ҳунар коллежидаги ёнилғи қуйиш шохобчалари операторлари йўналишида ўқиётган 238 нафар йигит-қиз Сафар Эшмуродов, Искандар Мўминов сингари устозлардан сабоқ олаётир. Бу йил шу йўналишда битираётган 64 нафар ўқувчининг иш жойи тайин бўлди.

ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

Зоотехник-асалчилик йўналишида эса 30 нафар ўқувчига Музаффар Боймирзаев, Ёқуб Худойқуловлар асаларичилик сир-асрорларини сингдиряпти.

— Коллежимизда асаларичиликни йўлга қўймоқчимиз,— дейди билим маскани раҳбари Сафарали Аролов. — Бу режа амалга оширилса, энг аввало, ўқувчилар олаётган билимларини тажрибада бойитиб бориш имкониятига эга бўладилар. Қолаверса, қўшимча даромад ортиқчалик қилмайди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама

Вниманию организаций и предприятий!

ИК по КС Хокимията Навоийской области.
ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

На объекты:

1. «Строительство внутренних автомобильных дорог в массиве «Малик» ССГ «Маликработ» Карманинского района».

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 882 963 993 сум, с НДС 1 059 556 792 сум.**

Срок завершения строительства — **5 месяцев.**

Заказчик **ИК по КС Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий-63.**

Финансирование осуществляется за счет средств местного бюджета.

(размер квот для субъектов малого бизнеса 25%)

2. «Капитальный ремонт и оснащение здания детского центра «Баркамол авлод» Навоийской области».

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 651 187 458 сум, с НДС 781 424 950 сум.**

Срок завершения строительства — **4 месяцев.**

Заказчик **ИК по КС Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий-63.**

Финансирование осуществляется за счет средств местного бюджета.

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференцин для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А,

тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Хизматлар лицензияланган

Ishonch
2013-yil 25-aprel № 52 (3245)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мажлисда йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жой қурилишини жадал ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Миллий автомагистрали таркибига кирувчи автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича жами 62 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Қўқон шаҳрини айланиб ўтувчи «Тошкент-Ўш» автомобиль йўлининг 42 километрли қисмини реконструкция қилиш тугалланди, 45 километр темир йўллар қайта тикланди.

Муҳокама давомида «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига умумий фойдаланиладиган автомобил йўллари ва аҳоли пунктлари кўчаларидаги йўл-қурилиш ва таъмирлаш ишларини, шунингдек, Ўзбекистон Миллий автомагистрали бўйлаб йўлбўйи инфратузилмаси ҳамда сервис объектларини қуриш ва фойдаланишга топширишни жадаллаштириш, бажарилаётган ишларнинг сифати юзасидан назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш юкланди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг, энг аввало, идоравий ахборот ресурсларини ва маълумотлар базаларини шакллантириш, идоралараро айирбошлашни ташкил этиш ва интерфаол давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда интернет-сайтларни ривожлантириш ҳисобига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг махсус бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги ҳисоботи эшитилди. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарларига «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерфаол давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шаклларини жорий этишни алоҳида назоратга олиш топширилди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори уларнинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш кўламларини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, энг аввало, замонавий идоравий ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини шакллантириш, сифатли идоралараро айирбошлашни ташкил этиш, интерфаол давлат хизматларини ривожлантириш зарурлигига қаратилди.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусида шу йил 17 апрелда Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференциядаги маърузасидан келиб чиқадиган кўрсатма ва вазифалар барча даражадаги ҳокимликлар, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналар раҳбарларидан қишлоқларни тубдан қайта ўзгартиришга, қишлоқ аҳолиси ҳаёти даражаси ва сифатини янада изчил оширишга, уларни замонавий стандартларга яқинлаштиришга йўналтирилган ишларни кучайтиришни талаб қилади. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси ва «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки раҳбарларига жорий йилда фойдаланишга топширилиши назарда тутилган қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича 10 мингта янги уй-жойлар қурилишини жадаллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг мақсадли параметрларини сўзсиз бажариш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масала бўйича меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори, Тошкент шаҳар ва Қашқадарё вилояти ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди. Қайд этиб ўтилдики, кўрилган аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида республикада 250,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, уларнинг 150 мингтадан кўпроғи ёки қарийб 60 фоизи қишлоқ жойларидадир.

Бунда вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари эътибори касб-ҳунар коллежларининг 501 минг нафардан кўпроқ битирувчиларини ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва уларни келгусида ишга жойлаштиришни таъминлаш учун аниқ корхоналар ва ташкилотларга бириктириш борасида улар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатига қаратилди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдига янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган ихтисосликларига мувофиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш учун мавжуд резервларни сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА

КАСАБА УЮШМА ҲАЁТИ

ЧОРШАНБА — МАЪНАВИЯТ КУНИ

Мухбиримиз Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Қодиржон Ризаев билан суҳбатлашди.

— Маънавият инсон тафаккурининг гултожи. Донолар дунёни маънавият қутқаради, деб бежизга айтишмаган. Шу маънода касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида меҳнаткашлар маънавиятини янада юксалтириш, уларни маърифатга ошно этиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган. Бу кўпроқ нималарда кўзга ташланмоқда?

— Албатта, глобаллашаётган дунёда маънавий қадриятларимизни сақлаб қолиш, ёш авлод онгини зарарли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, турли диний оқим ва ёт мафкуралардан ҳимоя қилиш долзарб вазифа. Бу борада Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари биз учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозир меҳнат жамоаларида «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш, замонавий кўргазмали воситалар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Иш берувчилар олдига аниқ талаб ва таклифлар киритилиб, мингдан зиёд ўқув муассасалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар 600 га яқин ишлаб чиқариш корхоналари ва 800 дан зиёд турли ташкилот ҳамда муассасаларда «Маънавият ва маърифат» хоналари фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йил биринчи чорагида Бирлашма ва барча қуйи касаба уюшма ташкилотларида ҳафтанинг ҳар чоршанбаси «Маънавият куни» деб белгиланиб, машғулотларга етук олимлар, профессор-ўқитувчилар жалб этилаётир. Бугунги куннинг долзарб сиёсий воқеалари, хавфсизликка таҳдид, диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш мавзуларидаги маърузалар уюштирилмоқда. Меҳнат жамоалари ўртасидаги йиғилишларда ходимлар маънавиятини янада юксалтиришга алоҳида аҳамият берилаяпти.

Бирлашма ҳамда қуйи касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари мазмунли дам олишини ташкил этиш, улар ўртасида оммавий-маданий тадбирлар уюштириш йўналишида жорий йилнинг биринчи чорагида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Наврўз умумхалқ байрами арафасида 200 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан ишчи-хизматчилар ўртасида «Санъатим сенга, обод юртим» шиори остидаги кўрик-танлов ўтказилди.

— Жамоаларда муҳитни яхшилашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни катта. У нафақат саломатликни тиклайди, балки одамларни бир-бирига яқинлаштиради ҳам.

— Шу кунгача 22 та шаҳар ва туман миқёсида, 350 дан зиёд бошланғич жамоаларда, шу билан бирга, вилоятдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида талаба-ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказилди.

Жумладан, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан чегарачи ҳарбий хизматчилар ўртасида, корхона ва ташкилотларда Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида, Наврўз умумхалқ байрами арафасида меҳнат жамоаларида ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида «Соғлом авлод — жамият таянчи» шиори остида спорт мусобақалари ташкил этилди.

— Маданий-маърифий ишлар кўламини ошириш, касаба уюшма фаолиятини янада жонлантиришда ОАВ имкониятларидан қандай фойдаланилаётир?

— ОАВ фаолиятимиз кўзгуси бўлиш билан бирга, оммага етиб боришимизда муҳим воситадир. Ўтган даврда Бирлашма, тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан вилоятдаги маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар уюштирилди, маънавий-маърифий йўналишдаги мақола ва ахборотлар орқали касаба уюшмалари фаолияти кенг ёритилди.

Наврўз байрами муносабати билан Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Бирлашма ҳамкорлигида Марҳамат тумани Қорабағиш маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган «Сумалак сайли» ҳамда маҳалла фаоллари учун уюштирилган учрашув бир умр эсда қоладиган бўлди. Вилоят телерадиокомпанияси ушбу тадбирга бағишланган «Давра суҳбати» кўрсатувини тайёрлаб эфирга узатди.

Умуман олганда, касаба уюшма ташкилотлари фаолияти кенг қиррали. Ҳамма гап уни оммага ўз вақтида ва таъсирчан тарзда етказа билишда.

Суҳбатдош:
Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

ЕТАКЧИ МИНБАРИ

Кенгашимиз тасарруфида 62 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, улар 6243 нафар аъзони бирлаштирган. Шундан 648 нафари аёллар. Барча бошланғич ташкилотларда жамоа шартномалари тузилган.

ИШЛОВЧИ «РАҲМАТ» ДЕСИН

Ушбу ҳужжатда белгиланган мажбуриятларнинг ўтган йилда қандай бажарилганлиги муҳокама қилиниб, унга Обод турмуш йили муносабати билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тармоқда ишловчи ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори ортиб бормоқда. Жумладан, 2011 йил якуни бўйича бу кўрсаткич ҳар бир ходимга 655 минг сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йил якуни бўйича 790 минг сўмга тўғри келди.

Ходимларнинг саломатлигини тиклаш масаласига эътибор катта. Бултур 32 нафар ходим сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади. Косонсой туманидаги «Олмазор» болалар оромгоҳида меҳнаткашларнинг 190 нафардан зиёд фарзанди дам олдирилди. Жорий йил бу кўрсаткични кўпайтириш ҳаракатидамиз. Бундан ташқари, аъзолардан беш нафарининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Нодавлат секторда касаба уюшма ташкилотларини тузиш бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилиб, 10 та касаба уюшма ташкилоти тузилди. Натижада, сафимиз 281 нафарга кўпайди.

Ишловчилар учун соғлом ва бехатар меҳнат шароитини яратиш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш, жойларда касаба уюшмаларининг меҳнат хавфсизлиги бўйича вакиллик институтларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш масалалари доимо назоратимизда. Жойларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид масалалар касаба уюшма йиғилишларида мунтазам кўриб чиқилмоқда. Мазкур масала бўйича 15 дан ортиқ ўрганишлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Зулхумор ҲОЖИМАТОВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси



РИВОЖ ТОПАЁТГАН КОРХОНА

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Диёрбек Гулноза Муштарий» хусусий корхонаси мамлакатимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити самарасида ривож топиб бораётган ишлаб чиқариш субъектларидан.

Асосан маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхонада ўтган йили нон ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган иккита цех ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Бухоро вилояти Ғиждувон филиали кўмагида замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур цехларда ўн киши иш билан таъминланган. Уларнинг кўпчилиги коллеж битирувчиларидир.

Айни вақтда корхона цехларида ўн турда нон ва тўрт хил сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Суратда: «Диёрбек Гулноза Муштарий» хусусий корхонаси ишчиси Севара Ғайбуллаева.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

КЎРИК-ТАНЛОВ

Қўқон минтақавий темир йўл узелида корхоналар ўртасида ҳудудий касаба уюшма қўмитаси ва Ёшлар кенгаши ҳамкорликда «Китобхон темирйўлчи» кўрик-танлови ўтказилди.

КИТОБХОН ТЕМИРЙЎЛЧИ

Ушбу тадбир маънавий ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларда миллий ғоя тарғиботини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Иштирокчилар таништирув, Президентимиз асарлари, эркин мавзу, баҳру-байт, миллий қадриятларимиз ифодаланган саҳна кўриниши каби шартлар бўйича иқтидорларини намойиш этишди.

Беллашув якунларига кўра, олий ўрин Қўқон темир йўл электр таъминоти масофаси иқтисодчиси Зарнигор Ҳамидовага насиб этди. Қўқон сигналлаштириш ва алоқа дистанцияси электромонтёри Ёқутхон Турсунова «Энг зукко китобхон», Қўқон темир йўл коллежи ўқитувчиси Муносибхон Мамаризаева «Энг билимдон китобхон», Қўқон бекати навбатчиси Аҳмаджон Мадияров «Энг фаол китобхон», Қўқон СЭС санитар врач ёрдамчиси Маҳлиё Алиева «Энг тиришқоқ китобхон», Қўқон темир йўл коллежи ўқувчиси Соҳибжон Абдумуталибоев эса «Энг ёш китобхон» номинациялари ғолибига айланишди.

Тадбирда Қўқон минтақавий темир йўл узели касаба уюшма қўмита раиси А.Комилов сўзга чиқиб, темирйўлчи ходимларнинг танловда фаол иштирок этганликлари учун миннатдорчилик билдирди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

С.ТЎЙЧИЕВ,
Қўқон сигналлаштириш ва алоқа дистанцияси касаба уюшма қўмитаси раиси

ТАРАДДУД

МЕҲМОН КЕЛСА, БОШ УСТИГА...

Шу йилнинг 4-5 май кунлари Навоий вилоятида «Асрлар садоси — 2013» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтади. Айни кунларда воҳада мисли кўрилмаган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Эски шаҳар ҳудудидан ўтиб, Қалқонота томон борар экансиз, янгидан асфалт ётқизилган кенг ва равон йўлга кўзингиз тушади. Замонавий бекатлар, йўл четларидаги турфа ранг гуллар кишига кўтаринки кайфият улашади. Бутунлай янги қиёфага кирган тураржойларни айтмайсизми?!

— Бу қадар кенг кўламдаги тайёргарлик ишлари анжуман моҳиятининг нақадар юксаклигидан дарак беради, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари М.Мансуров. — Вилоятдаги корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, қўйингки, барча ана шу эзгу ишга жалб этилган. Биз ҳам ушбу қизғин меҳмоннавозлик тадбирининг фаол иштирокчиларимиз. Бетакрор диёримиз таровати янада рангинлик касб этиши учун ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бош-қош бўлаётирмиз.

Ям-яшил майсазорлар ва лолақизғалдоқлар билан қопланган адирларни ортда қолдириб, Сармишсой дарасига кириб борамиз.

Ўнг томонда адирлик бағрида ўрнатилган фестивалнинг рамзий белгиси олис-олислардан кўзга ташланади. «Қизилқумцемент» ОАЖ га қарашли «Шабода» болалар соғломлаштириш оромгоҳидаги ўзгаришларнинг эса таърифига сўз ожиз. Болаларнинг сайр қилиш майдончаси юқоридан назар ташланса, улкан дарахт шаклини эслатади. Унинг шохларига республикамиз вилоятлари тарихи худди мевалар каби жойлаштирилган. Ҳар вилоят тимсолининг нақшинкорлигини бир кўрсангиз эди!

Фестивал баҳонасида бу ерда бунёд этилаётган мўъжизакор ўзгаришлар, энг муҳими, мавсумий бўлиб қолмайди. Афсонавий эртаклардагина мадҳ этилган бундай қулайликлар ҳудуд аҳолисига хизмат қилаверади.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

ОТАМЕРОС КАСБ

Ориф Гулханийнинг невараси Муқимжон Орифий кафтдеккина ҳовлисида 50 кг.лик ошқовоқ етиштирибди, деган гапни эшитиб, беихтиёр шоир яшаб ўтган «Шифокор» гузари (Эски Тали Регак маҳалласи)га йўл олдим. Мени Муқимжон ака кутиб олди. Ҳар сафар бу табаррук хонадонга келганимда иккита мўъжаз иссиқхонада қийғос очилган тувак ва тувакчалардаги турфа гулларни томоша қилишдан ўзимни тия олмайман. Бу сафар ҳам мезбоннинг «уйга кирайлик» дейишига қарамай, иссиқхона, гулзорни кўриш ниятимни билдирдим. Муқимжон ака йўл-йўлакай музейдаги экспонатларга изоҳ бераётган экскурсовод янглиғ тувакларда баравж ўсаётган ҳар бир гулнинг номини, ёшини ва турли-туман хусусиятларини тушунтира кетди. Маълум бўлишича, бу ерда 300 хилдан зиёд хона ва 50 турдан ортиқ ҳовли гуллари ва яна шунча мевали дарахт кўчатлари парвариш қилинаётган экан. Биргина кактус гулининг 20 дан зиёд, гераннинг 6 хил тури ўсиб турибди. Баъзи кактусларнинг бўйи 3 метрга яқинлашиб қолган.

ГУЛХАНИЙ

— Гулчилик ва боғбонлик менга отамерос касб, — дейди М. Орифий суҳбат асносида. — Бобом Ориф Гулханий фақат шоирликни касб қилмаган. Ижоддан бўш пайтида бобоси Рўзи заргардан қолган боғда мевали дарахтлар парвариши билан машғул бўлган. Пайванд солишнинг барча усулларини пухта ўзлаштирган. Ҳовлимизда бобомдан қолган қари шотут, соҳиби ва шибирғони узум, сариқ анжир, ғўлунги навли зардоли ҳамон кўз қорачиғидек сақланаётир.

— Мен болалигимдан Гулханий бобонинг ихлосманди эдим, — дея суҳбатга қўшилади ён қўшни, 80 ёшли Аслам бобо Равшанов. — Бу хонадонга Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Назармат, Ҳамид Олимжон, Ўткир Рашид, сингари машҳур шоиру адиблар меҳмон бўлганларида чой, нон ташиб, хизматларини бажарардим. Меҳмонлар кетгач, яҳак навли олмадан бир қоп бериб юборарди. Жуда ширин олма эди, ҳали умрим бино бўлиб бунақа нав олмани бошқа ерда учратмадим. Шоир бобо ана шунақа ноёб олмаларни қаерлардандир олиб келиб, пайванд соларди. Кейинчалик бу зироат илмини қисман бизларга ҳам ўргатганлар.

Ориф Гулханийнинг фарзанди Олимжон Орифий шоирнинг вафотидан (1955й) кейин шоирлик сулуки ва боғбонлик касбини ихлос билан давом эттирди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Халқ таълими аълочиси О. Орифий Самарқанд педагогика техникумида кимё, биология фанидан дарс берарди. Анчагина қисми жамоа хўжалиги ихтиёрига бериб юборилган, кейинчалик «Кинап» заводи ишчиларига уй-жой қурилиши муносабати билан боғнинг деярли барча қисми тортиб олинадиган бир шароитда бунинг олдини олиш мақсадида Олимжон Орифий техникумдаги ишидан бўшайди ва Самарқанд туманидаги мактабларнинг бирига оддий ўқитувчи бўлиб ишга ўтади. Шу тариқа, сайлгоҳ боғни томорқа хўжалиги сифатида сақлаб қолишга эришади. Кейинчалик бу ерлар шаҳар ҳудудига киритилиб, Гулханийлар уйи бора-бора уй музейига айлантирилган.

— Ўн ёшимдан бошлаб раҳматли отам билан бозорга бирга борардим, — дея хотирлайди Муқимжон ака. — Ҳар сафар ё дарахт кўчатлари ёки гул кўчати, ёхуд уруғларини олиб қайтардик. Отам пайванд солиш, қаламча қилиш йўли билан мева навини кўпайтирарди. Ўзи геран гули ва атиргулни жуда севарди. Ҳовлимиздаги олма дарахтига саккиз хил олма пайванд

Ishonch
2013-yil 25-aprel № 52 (3245)

НИШОНА ҲОСИЛ



Чортоқлик Фарҳод Усмонжонов уч йилки, беш гектар ерда интенсив боғ парвариши билан банд. «Боғи Эрам Инвест» фермер хўжалигини ташкил қилиб, ажратилган майдонга 8 минг туп олма кўчатини экди. Мана, бу йил кўкламда кўчатларнинг ҳаммаси бир текисда гуллаб, мева тугмоққа киришди.

Наманган вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи етакчи мутахассиси А.Жавҳаровнинг айтишича, вилоятда интенсив боғларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. 2012 йили вилоят бўйича 236 гектар ерда интенсив боғ ташкил этилган бўлса, бу йил 171 гектар майдонга 103 минг кўчат экилди. Интенсив боғнинг афзалликларини кўриб, унга қизиқаётган соҳибкорлар сафи тобора кенгаймоқда.

Суратда: (чапдан) фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Усмонжонов ва иш юритувчиси Акрам Аҳмедов.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ

ҲАРАКАТДА — БАРАКА

Автобекатда анчадан буён кўрмаган танишимни учратиб қолдим. Қўлидаги оқ рангли елим пакетларнинг бирига картошка, пиёз, сабзи солинган бўлса, иккинчисидан турли-туман кўкатлар кўриниб турарди. Гап орасида шу нарса аён бўлдики, турар-жойида 15 сотихдан иборат уй-жой, томорқаси бўлиб, ариқлар ҳамиша тўлиб оқаркан. Томорқага асосан чорва озуқаси: беда ва маккажўхори экишаркан. Танишим оила даромади камлигидан, турмушида муаммолар ечим топмаётганидан нолиб турганида унинг қишлоғи йўналишида қатнайдиган автобус сигнал бериб, йўлга тушишини маълум қилди.

Когонда икки намунали ҳудуднинг бири сифатида, албатта, «Тути-кунда» маҳалла фуқаролар йиғини тилга олинади. Мустақиллик йилларида бу гўшанинг жамоли янада юксалди. Бир-биридан кўркам уй-жойлар, кенг ва равон йўллар, замонавий тўйхоналар, сервис хизмати кўрсатувчи субъектлар эътиборни тортади. Айни пайтда айрим шаҳарликлар суннат ва никоҳ тўйларини «Тути-кунда» тўйхоналарида ўтказишни исташяпти. Чунки бу ерда хизмат даражаси яхши, нархи арзон.

Ҳудудда томорқадан фойдаланиш ҳақида гап кетганда, МФЙ раиси Шоди Низомов қуйидагиларга урғу берди.

—Тасарруфимизда 4 та қишлоқ бўлиб, 1020 хонадонда 4700 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Томорқа ҳар бир оиланинг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Мева, сабзавот, картошка, узум ва яна бир қанча озиқ-овқат маҳсулотлари учун бозорга бориб юрилмайди. Аксинча, томорқачиларимизнинг аксарияти рўзғоридан ортган деҳқончилик ноз-неъматларини Бухоро ва Когон шаҳарлари бозорларига чиқаришади.

Минг эшитгандан бир кўрган афзал қабилида «Тути-кунда»га йўл тутиб, раиснинг сўзлари чинлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, деҳқончилик тамойилларини мукаммал ўзлаштирган, вақтида илғор



бригадалардан бирини бошқариб пахтачилик ва ғаллачилик соҳасида вилоятда энг юқори натижаларга эришган, меҳнатлари муносиб қадрланиб, юксак мукофотларга сазовор бўлган Тоҳир ака Соҳибов хонадонида томорқадан самарали фойдаланиш усуллари бизни ром этди. У киши 75 баҳорни қаршилаган бўлсада, ҳамон ер билан тиллашади. Кетмонини қўлдан қўймайди. Унинг остонасини ҳатлаб ўтганимизда ҳам хонадон сардори эртанги экинларга ишлов бераётган экан.

— Бу йилги қиш бирмунча қаттиқ келган бўлса-да, 50 минг тупга яқин эртанги сабзавот кўчатларини талофатсиз сақлаб қолдик, — дейди Тоҳир ака суҳбат чоғида. — Энди экинлар парвариши билан шуғулланяпмиз. Очиғини айтсам, ризқимиз ерда. Уни қанчалик меҳр билан ардоқласак, даромадимиз шунча кўпаяди. Бу ҳаётий ҳақиқатни фарзандларим ва невараларим ҳам аллақачон уқиб олишган.

Тоҳир ака ва ўғиллари: Эсон, Эркин ва Наврўзлар ёнма-ён яшашади. Ҳаммасининг кўркам, обод уй-жойи, ҳамиша яшнаб турган томорқаси, автоуловлари бор. Мавриди билан тўйлар қилишади, уйлар қуришади. Булар асосан томорқа даромадлари ортидан келганлигини таъкидлашади.

Соҳибовлар томорқасида картошка, пиёз, помидор, сабзи, бодринг, қулупнай, бақлажон, булғор қалампири, саримсоқ, карам ва ўн турга яқин кўкатлар етиштирилаётир. Газ билан иситилмайдиган, ўз тиллари билан айтганда, «термос» усулидаги иссиқхонанинг ўрни беқиёс. Шу боис улар йил давомида томорқадан 2-3 марта ҳосил олишади. Айниқса, эртанги ва кечки ҳосил етиштиришга жиддий эътибор қаратишади. Бундай натижага эришиш осон бўлмаса-да, деҳқончиликдаги бой тажриба уларга жуда қўл келаяпти. Ўша кезлари маҳсулотларнинг бозордаги нархи ҳам анча юқори бўлади. Шунингдек, даромаднинг салмоқли бўлишида, мевали дарахтлар, чорва моллари улуши ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Пировардида МФЙ раиси Ш. Низомов томорқадан юқори даромад олаётганлар сафи кенгайиб бораётганини фахрланиб гапириб, «Тути-кунда» қишлоғидан Мухтор Муродов, Ражаб Фозилов, шейхонлик Сабоҳат Мавлонова, Рамазон Рустамов, кафтарханолик Ниёз Эшмуродов ва Жонмард қишлоғилик Матлаб Қиличовлар хонадонини ҳам алоҳида намуна сифатида тилга олиб ўтди.

Мақоламиз бошида кишини ўйлантирадиган қисқа тафсилотни бежиз тилга олмадик. Ҳозир ҳам қишлоқда яшаб, томорқасидан самарали фойдаланмаётган оилалар оз бўлса-да учраб туради. Бундайлар рўзғорига озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун шаҳар бозорларига қатнайдилар. Қани энди улар ҳам тути-кундалик деҳқонлардан ўрнак олиб, рўзғорларини бут, турмушларини обод қилсалар, нур устига аъло нур бўларди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири.

Суратда: *тадбиркор деҳқон Тоҳир ака Соҳибов набираси Нарзилло билан томорқада.*

Муаллиф олган сурат

БОҒИ

қилинган бўлиб, эрта баҳордан кеч кузгача бир тупдаги саккиз хил новдаларда олма бирин-кетин пишиб етиларди.

Ҳовлига разм солар эканман, мурч, чилонжийда, сариқ, қора ва мулут анжир, шафтолининг кўкламдан кузгача навбати билан пишадиган беш хили, жами 50 турга яқин дарахт навлари ўсиб турганига гувоҳ бўлдим. Шотут ва зардоли дарахтининг чириган ерлари цементлаб қўйилганини кўриб лол қолдим. Муқимжон ака дарахтларни бу усулда «даволаш»ни Қримдаги «Фарос» санаторийсидаги боғда кўриб, аниқроғи, боғ агрономидан ўрганиб келган экан. Бу тадбир дарахтнинг умрини узайтиришга хизмат қилиб, чириган ерига сув, қурт ёки микроб тушишидан сақлар экан.

— Муқимжон ака, аслида мен бултур ҳовлингизда етиштирилган 50 килолик ошқовоқ масаласида келгандим. Қандай қилиб бу натижага эришдингиз? — савол ташладим мезбонга.

— Ҳа, уми?! Бир бошидан айтадиган бўлсам, ўтган йили 500 кг. ҳосил берадиган ошқовоқ уруғидан олиб келдим. Шунингдек, заррин рангдаги булғор қалампири, митти томошабоп кади уруғларини ҳам. Бу менга «отамерос хобби». Хуллас, барчасини экдим. Кади ва қалампирдан кўнглим тўлди, аммо ошқовоқдан тўлмади. Негаки, 500 кг. ўрнига 50 кг.гина тош босди. Таъмига келсак, умуман маза-матраси йўқ. Аслида, айтилган технология бўйича экиб, парвариш қилгандим. Ҳар бир тупига ҳафтада бир маротаба ишлов бериб, ўғитлаб, кунига бир бора 4 литрдан сув қуйиб турардим. Ҳар бир палакда битта-иккитадан ҳосил қолдирдим. 130 кун деганда ҳосил етилди. 50 кг. оғирликка эга бўлди. Бу йил қишлоқдаги дўстларимга уруғидан улашдим. Кенг ва очиқ майдонга ҳам экиб кўришсин-чи, балки шаҳардаги бизнинг мўъжазгина ҳовлимиз унга торлик қилгандир.

Ориф Гулханий уй-музейини бошқараётган Муқимжон Орипов халқ таълими муассасаларида бўлиб, бобосининг ижодий фаолияти билан бир қаторда кўчатчилик ва гулчилик бобидаги тажрибалари билан ҳам ўртоқлашади. Масалан, 2012 йилда шаҳар халқ таълими, аниқроғи, унинг халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда «Самарқандни гулга буркайлик 1+10» акциясини ўтказибди. Акция шартларига кўра, музей ходимлари томонидан етиштирилган гуллар мактабларга ҳадя қилиниб, ҳар бир гулга бир ўқувчи масъул қилиб қўйиларкан. Ўша ўқувчи бир гулнинг ўн донага кўпайиши учун ҳаракат қилмоғи лозим.

Болалар онгида табиатга меҳр уйғотишнинг бу янги усули кўпчиликка маъқул келиб, жорий йилда бу ташаббус янада кенгайди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши, Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда Ориф Гулханий уй-музейи ҳамкорликда «Ободлик кўнгилдан бошланади!» деб номланган амалий семинар ўтказишди. Шаҳар корхона, ташкилот, муассасалари ва алоҳида гулсеварларга хонаки ва боғ гуллари етказиб бераётган уй-музей жамоаси ушбу тадбирда ҳам «Боғи Гулханий»да етиштирилган турфа гул, беш хил кади, 6 хил қалампир уруғларини тадбир қатнашчиларига улашди. Бу уруғлар оддий эмас, ғаройиб хусусиятлари билан бошқаларидан ажралиб туради. Масалан, майда қалампирнинг шакли ўзига хос бўлиб, ўртасидан кесганда юлдуз шаклида қўнғироқча кўринишини касб этади. Меваси ширин, уруғи эса аччиқ. «Ҳар бир ўқувчининг ўз гули бўлсин!» шиори остида ўтган мазкур анжуманни ташкил этишдан мақсад ёш авлод қалбида табиатга меҳр уйғотиш билан бирга шаҳар ободончилигига ҳисса қўшишдир.

Хайрулла ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

ФАОЛИЯТГА НАЗАР

Бепоён кенгликлар сари одимлаганмисиз?! Яшил майсаларга бурканган ўркач қирлар оралаб кетаверасиз. Бир зумда ўй-хаёлингиз ташвишлардан холи бўлади. Туйғулар энди жунбушга келиб, ҳайратга берилганингизда, кўз олдингизда мўъжаз қишлоқ намоён бўлади. Бу диёрда қучоқ етмас чинорлар йўқ. Шовуллаган теракзорларни ҳам кўз илғамайди. Аммо файз-барака бор. Яратган заминимизнинг ана шу бир парчасидан ҳам марҳаматини аямаган. Булоқларга ошён бўлган Нурбулоқ қишлоғига шу тахлитдаги ўй-фикрлар билан кириб борасиз...

НУРЛИ ЙЎЛНИ КЎЗЛАР НУРБУЛОҚ

Ҳукуматимиз маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва маънавий-маърифий соғлом муҳитни шакллантиришга катта эътибор қаратмоқда. Хайрли ташаббус юртимизнинг энг олис бурчакларигача етиб борган. Фаровон турмуш, тўкин ҳаёт асоси бўлмиш томорқа ва бошқа оилавий имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Нурбулоқ маҳалласида ҳам эл-юрти, оиласи фаровонлиги учун елиб-югураётганлар оз эмас. Маҳалланинг ўзида қирқдан зиёд маиший хизмат кўрсатиш объекти мавжуд. 8 та раданли сув билан даволаш-соғломлаштириш сиҳатгоҳлари фаолияти йўлга қўйилган. Бу ерда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган беморлар дардларидан фориғ бўлиб кетишаяпти.

— Маҳалламизда 745 та хонадон бўлиб, тўрт ярим минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Нурбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Носир Амиров. — Ўзининг ҳалол меҳнати билан эл орасида обрў-эътибор топган кишилар кўп.

Оқсоқолнинг гапида жон бор. Маҳалла таркибига кирувчи еттита гузарда ишбилармонлиги, тадбиркорлиги билан фаровон яшаётганлар талайгина. Улар нафақат оиласи, балки қишлоқдошлари корига ҳам ярамоқда. Маҳалладаги иноқлик, ўзаро ҳурмат-эътиборга ҳавас қилса арзийди. Бу ерда ҳеч ким бирбирига бефарқ эмас. Катта-катта юмушлар ҳам ҳашар йўли билан адо этилади. Уй қуриш, иморат тиклаш ишларида ҳамиша шу аҳиллик қўл келмоқда. Гарчанд нурбулоқликлар «бизда муаммо йўқ» дейишга одатланишган бўлса-да, ўзига яраша ташвишлари йўқ эмас. Айрим хонадонларда паррандачиликни ташкил этишга иштиёқ бўлса-да, имкониятлари чекланган. Баъзи оилаларнинг эса молхонаси бўм-бўш. Бу сингари масалалар ЎзКУФК вакилларининг ҳудуддаги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш истиқболларини ўрганиш жараёнида юзма-юз мулоқотлар асноси юзага чиқди. Янги иш ўринлари яратиш имкони ахтарилди. Бу борада маҳаллий тадбиркорларга кўрсатилган ёрдам туфайли уларнинг фаолияти ривожлантирилди. Масалан, «Ҳаётхон Омад» хусусий корхонасига тикув машинаси олиб берилгач, бу ерга 4 та қишлоқ аёли ишга жойлашди. «Озодбек Нурбулоқ Назарбек» хусусий корхонасида эса мебел ишлаб чиқариш цехи ташкил этилиб, 5 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, фуқаро М.Очилов очган хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчасида 7 киши, «Бахоишонч Нурбулоқ» корхонасида 2 киши ишли бўлди.

Амалий кўмак боис 20 та хонадонда иссиқхона ташкил этилди.

— Кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалашга жамоат ташкилотимиз ҳам улуш қўшди, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ботир Тошев. — Ҳудуддаги эҳтиёжманд оилаларга 500 та парранда олиб бердик. Шунингдек, ҳомийлар ёрдамида яна 12 оилада парранда боқиш ишлари ташкил этилди.

Бир муаммо бор. Бу ерларнинг шўрланиш даражасидир. Айниқса, Ҳамид Олимжон номли гузарнинг бир қисмида яшовчи аҳоли бундан азият чекаётир. Режалаштирилган дастурга мувофиқ 42-мактаб ва гузар ҳудудидан 500 метрлик зовур қазиб берилади.

Нурбулоқликлар ўз гўшаларини обод масканга айлантиришга қаттиқ бел боғлашган. Маҳалланинг Қўйбоқар гузарида оналар боғининг ташкил этилиши, бу ерга қарийб минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларининг ўтказилиши буниг яққол тасдиғидир.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

АСАЛАРИЧИЛИК

Қашқадарё вилоятида асаларичиликни ривожлантиришга қаратилган катта ишлар амалга оширилмоқда. Олинган маълумотларга қараганда, 2012 йил режада белгиланган 50 та ўрнига 99 та янги асаларичилик субъекти ташкил этилиб, йил охирида уларнинг сони 427 тага етказилди. Асалари оилалари эса 5817 тага кўпайтирилиб, 33000 тага етди. Тижорат банклари томонидан тармоқни тараққий эттириш учун бултур 984,2 миллион сўм кредит ажратилган. Асаларичилик ривожланиб, маҳсулот етиштириш кўпайиб бормоқда. Масалан, асаларичилар томонидан 2010 йилда 188 тонна, 2011 йилда 240 тонна асал етиштирилган бўлса, бултур бу кўрсаткич 316 тоннага етди.

ЮТУҚЛАР ЙЎҚ ЭМАС

ҳамма гап камчиликларни бартараф этишда

— Йил бошида устав фонди 50 миллион сўм бўлган «Қашқадарё асали» масъулияти чекланган жамияти тузилди, — дейди Яккабоғ туманидаги «Умархўжа Каримович» наслчиликка ихтисослашган асаларичилик фирмаси раҳбари, жамият раиси Карим Хоназаров. — Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда вилоятимизда асаларичилик субъектларининг моддий-техник ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, тармоқда замонавий технологияларни кенг жорий этиш, зооветеринария хизматларини такомиллаштириш, асаларичиларни зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, кичик цехлар фаолиятини йўлга қўйиш, соҳани илмий асосларда юксалтириш ҳамда малакали мутахассислар тайёрлаш, маҳсулотларни чиройли, бежирим идишларда қадоқлаб, нафақат ички бозорларда сотилишини, балки экспорт қилишни йўлга қўйиш вазифалари белгилаб олинди.

— Воҳамизнинг қулай об-ҳаво шароитида ҳар бир асалари оиласидан беш мартагача асал олиш мумкин, — деди косонлик тажрибали асаларичи Жўра Бобоев. — Ўтган йил 300 оила асаларидан олинган ялпи ҳосил 15 тоннага етди.

Қаршилик Сергей Қобилжонов, Яккабоғнинг Фурқат маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Ўроқ ҳожи Мусаев, қарийб чорак асрдан бери асаларичилик билан шуғулланиб келаётган Поён Аҳмедов, миришкорлик Муқимбой Оллобердиев, Деҳқонобод туманидан Мамаш Бердиев сингари юзлаб асаларичилар соҳани ривожлантиришга самоқли ҳисса қўшишяпти.

Тан олиш керакки, тармоқда жиддий муаммолар ҳам учраб турибди. Айрим жойларда ҳар бир уя асалари оиласининг ўртача маҳсулдорлиги атиги 10 кг.ни ташкил этади. Бу республикадаги ўртача кўрсаткичдан 5-5,5 кг. кам демакдир.

Баъзи бир туманларда асаларичилик жиҳозлари ва асал сотишга ихтисослашган савдо дўконлари қурилмаганлигини, барпо этилганлари ҳам қандайдир сабабларга кўра фойдаланишга топширилмаганлиги кишини ўйлантиради. Айрим бозорларда сотилаётган асал маҳсулотларининг товар кўриниши талаб даражасида эмас.

Ҳудудларда асаларичилик билан шуғулланувчи субъектлар ва асалари оилаларининг сони бўйича аниқ ҳисобкитоблар юритишда чалкашликлар мавжуд. Масалан, Нишон туманидаги «Пахтаобод» қишлоғида йигирмадан ортиқ асаларичи ихтиёридаги 2500 дан кўпроқ асалари оиласи тўлиқ ҳисобга олинмаган. Бундай камчиликларни Китоб, Яккабоғ, Қамаши, Шаҳрисабз ва бошқа туманларда ҳам учратиш мумкин.

Ваҳоланки, илғор тажрибалар етарлича. Китоб туманидаги «Нектар кафолат» хусусий корхонаси, Шаҳрисабздаги «Асқаров Ниёз» масъулияти чекланган жамият табиий асални харидорбоп идишларда қадоқланган ҳолда тақдим этмоқдалар. Қаршилик Сергей Қобилжонов шаҳарнинг гавжум жойида асалчилик маҳсулотлари дўкони очганлиги ҳам мақтовга лойиқ.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Қашқадарё вилояти бўйича 5 мингдан зиёд асалари қутиси, 100 минг донадан ортиқ асалари рамкаси, 100 та тутатқич, 100 та пичоқ, искана, 100 та асал олиш ускунаси, 200 та юз ниқоби ва бошқа жиҳозлар талаб этилади. Демак, бу буюмларни тайёрлаш ва асаларичиларга тарқатишни йўлга қўйиш айни муддаодир. Асаларичиликнинг ҳали биз учун мутлақо очилмаган қирралари кўп. Зеро, юртимизнинг мўътадил иқлими кўп миқдорда асал йиғиш ва асал маҳсулотлари етиштириш учун қулай.

Воҳада асаларичилик соҳасини янада ривожлантириш, ҳудудларда белгиланган тадбирларнинг ўз муддатларида ва тўлақонли бажарилиш устидан мониторинг юритиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ўйлаймизки натижасини беради.

Иззат ҲИКМАТОВ

■ ТЎЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАРИМИЗ

Ўғил катта бўлса уйлантириш, қиз бўйга етса узатиш ҳар бир ота-онанинг энг эзгу орзу-мақсадларидан биридир. Шундай тўй тараддудида юрган Бердиёр акани МФЙ диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ўз ҳузурига чорлади.

— Тўйлар муборак бўлсин, — дея сўз бошлади маҳалла маслаҳатчиси. — Ҳаммамизни шу кунларга етказсин. Аммо бир кунлик тўй деб, йиллар давомида топган-тутганини совуриш ярамайди. Бир-икки кишидан фоизга қарз олибсиз, деб эшитдик. Яхшиси, ўша пулларни эгасига қайтаринг. Тўйни эса шароитингизга қараб, ихчамроқ ўтказинг. Етмаганига маҳалла бор, маҳалладошлар бор, сизни ёлғизлатиб қўймаймиз. Ахир меҳмонлар кўплиги, чақиртирилган хонанда нуфузи-ю дастурхоннинг тўкислиги икки ёшнинг бахтига кафолат бўлолмайди-ку.

Бу гап Бердиёр акага маъқул келди. Яқин дўст-ёрлар даврасида ихчам ва файзли тўй бўлиб ўтди.

ДАБДАБАЛИ ЭМАС, ФАЙЗЛИ БЎЛСИН

Албатта, тўй қиламан деб катта чиқимга йўл қўйганлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо одамларнинг гап-сўзи, ғийбат қилишидан қўрқиб, дабдабали тўй қилиб, кейинчалик қийин аҳволда қолган оилаларнинг борлиги ачинарлидир.

Маълумотларга кўра, айни пайтда Тошкент шаҳридаги энг қиммат тўйхона ва ресторанлар бир киши учун 100 минг сўм атрофида ҳақ олар экан. Одатда, тўйларимизга камида 300 чоғли меҳмон чақирилади. Ҳисоб-китоб қилиб кўрилса, Тошкентдаги катта ресторанда тўй қилиш учун ўртача 30 миллион сўм атрофида маблағ сарфлашга тўғри келади.

Бу маблағга қурби етадиган одам бўлса-ку, хўп-хўп. Агар ўша тўй соҳиби маошга қаноат қиладиган қўли қисқа одам бўлса-чи?

— Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида тўй-маросимларни, турли маъракаларни ихчам ва дабдабасиз ўтказиш борасида кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, ортиқча дабдабабозликка чек қўйиш мақсадида 2012 йил 18 апрелда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди, — дейди Тошкент шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти Чилонзор тумани бўлими бошлиғи Абдукамол Абдуллаев. — Қарор доирасида фуқаролар йиғинларида жамоатчилик кенгашлари ташкил этилган бўлиб, улар туманимизда тўй ва бошқа маросимларни ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказишни тарғиб этаяпти, аҳолига тавсиялар бериш ҳамда тушунтириш ишлари олиб бораяпти. Хусусан, ушбу мақсадда алоҳида плакат ҳолидаги тавсиялар нашр эттирилиб, тумандаги жамоат ташкилотлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларига тарқатилган.

— Савдо департаменти томонидан Тошкент шаҳридаги 100 нафар ва ундан ортиқ кишига тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар ўтказишга мўлжалланган 148 та тўйхона, ресторан ва кафе рўйхати ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, — дейди шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғининг ўринбосари Рауф Ҳакимов. — Тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларни қайд этиш бўйича 150 та махсус китоб тайёрланиб, уларга рўйхат асосида тарқатилган.

Ҳозирда департаментнинг туман бўлимлари томонидан тўйхона, ресторан ва кафеларда ўтказилган тадбирлар бўйича белгиланган шаклда маълумот қабул қилиш йўлга қўйилган.

Айтиш жоизки, маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган жамоатчилик кенгаши томонидан маҳаллаларда тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш юзасидан 12 мингдан ортиқ тарғибот ва тушунтириш ишлари ўтказилиб, уларга 600 мингга яқин фуқаро жалб этилган. Бунинг натижасида ҳозир эрталабки ошлар 7:00 дан 9:00 гача, кундузги ош беришлар 12:00 дан 14:00 гача ўтказилмоқда, базм кечалари 18:00да бошланиб, кечи билан соат 22:30 да тугамоқда. Энг муҳими, тўйхоналарда хизмат кўрсатувчи ва буюртмачи ўртасида шартномалар тузила бошланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқорида тилга олинган қарор асосида тасдиқланган қоидаларга кўра, тўйхона, ресторан ва кафеларда ўтказиладиган тадбир учун буюртмачи хизмат кўрсатувчининг номига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилади ва унда:

- буюртмачининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш ёки юридик манзили;

- уй ва мобил телефон рақами;

- тадбирнинг мақсади (нима муносабат билан ўтказилиши) ва тадбир тури (тўй оши, эҳсон оши, амри-маъруф, ақиқа, бешик тўйи, никоҳ тўйи, туғилган кун ва бошқа тадбирлар);

- тадбир ўтказиладиган сана;

- тадбирнинг бошланиш ва якунланиш вақти;

- қатнашчиларнинг мўлжалланаётган сони;

- тадбирда диний мавзуда маъруза қилиниши кўзда тутилган тақдирда, таклиф этиладиган дин соҳаси вакилининг исм-шарифи ва лавозими кўрсатилади;

- ариза берилган сана, буюртмачининг имзоси қўйилади.

— Ариза билан бир вақтда буюртмачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдан нусха (фуқаронинг паспорти, юридик шахснинг тегишли ҳужжати, МДҲ ва чет эл фуқароси бўлса, шахсини тасдиқловчи ҳужжат), агар никоҳ тўйи ўтказилаётган бўлса, никоҳнинг қонунийлигидан хабардор бўлиш учун никоҳланувчи келин ва куёвнинг паспорт нусхалари ҳам тақдим этилади, — дейди Абдукамол Абдуллаев. — Агар тадбирда диний мавзуда маъруза кўзда тутилган бўлса, дин соҳаси вакили деб адлия идораларида рўйхатга олинган диний ташкилот, диний таълим муассасасида ишлайдиган, диний билимга эга шахс, масжид имом хатиби ва ноиб-имомигина эътироф этилади. Бошқа шахсларнинг маъруза қилиши тақиқланади.

Қоидаларнинг 9-бандига асосан «тадбирда лицензияланадиган фаолият туридан фойдаланилган тақдирда, лицензияли хизмат кўрсатадиган жисмоний ва юридик шахслар ресторан, кафе ва тўйхона маъмуриятига ушбу хизмат турини кўрсатишга рухсат берувчи лицензиянинг нусхасини тақдим этади». 10-бандга кўра, «лицензияга эга бўлмаган хонандаларнинг тадбирда хизмат кўрсатишига йўл қўйилмайди».

Қоидаларнинг 16-бандида ички ишлар органларининг амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тадбир ўтадиган объектда хавфсизлик талаблари бажарилишини ўрганиш, далолатнома билан расмийлаштириш, аниқланган камчиликлар бўйича мансабдор шахсларга нисбатан чора кўриш ва назоратга олишлари белгиланган.

17-банд бўйича савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш департаментига тўйхона, ресторан ва кафеларда ўтказилаётган тадбирлар устидан мониторинг олиб бориши, мазкур қоидаларни бажармаётган тўйхона, ресторан ва кафега нисбатан қонуний чора кўриш учун Давлат солиқ органлари ва мутасадди идораларга ахборот киритиши юкланган.

Кўриниб турибдики, бу чора-тадбирларнинг барчаси тўйларимизнинг ихчам ҳамда файзли ўтишига ўз таъсирини кўрсатади.

— Туманимизда 20 дан ортиқ тўйхона бор. Уларнинг эгалари ҳар ой охирида бизга ҳисобот топширишади. Тўйхоналарда барча ҳужжатлар тайёр қилинган. Улар орасида қиммат ва ўртача нархлардаги тўйхоналар бор. Ҳозирда одамлар ҳам тушуниб қолишди. Имкониятга қараб тўй қилишмоқда, — дейди Абдукамол Абдуллаев. — Мониторинг ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ҳар олти ойда шаҳар комиссияси ҳам текшириш ишлари олиб боради. Шунингдек, тўй қилмоқчи бўлган одам бир ёки икки ой олдин керакли ҳужжатларни тайёрлаб, рўйхатдан ўтиб кетишмоқда. Тўлов мижозлар истаган усулда амалга оширилмоқда. Имкон қадар ночор оилаларга кўмаклашаяпмиз. Дабдабали тўйларга қарши туман ҳокимияти вакиллари, хотин-қизлар қўмитаси ва маҳалла раислари ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Мазкур қарор ижроси юзасидан пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги айрим тўйхоналарда бўлиб, у ердаги хизматлар сифати билан қизиқдик.

— Ҳозирги кунда тўйхонамизда ҳар ойда 6-10 та атрофида тадбир бўлиб ўтмоқда. Мавсумга келиб бу 15-20 тагача етиши мумкин. Тўйхонамиз 450 ўринли бўлиб, бир кишига ўртача 30-40 минг сўмдан тўғри келмоқда. Қўлимиздан келганча мижозлар имкониятидан келиб чиқиб фаолият юритяпмиз, — дейди тумандаги «Бисёр» тўйхонаси иш юритувчиси Ҳикмат Раҳимбердиев. — Шаҳар ҳокимининг ушбу қарори халқ учун жуда фойдали бўлди. Айниқса, ошдан чиқиб ишга боришга жудаям қулай бўлаяпти. Аввалари эрта тонгданоқ бошланган ошлар одамларга бироз ноқулайлик туғдирарди. Гап шундаки, 04:00 да ошга борган одам у ердан чиқиб, на уйига, на ишга боришни билмай, иккиланиб қоларди.

— Ҳозирда тўйга асосан 200-300 нафар меҳмон чақирилмоқда. Бу эса мижозларга жуда қўл келаяпти, — дейди тумандаги «Оҳу» тўйхонаси раҳбари Ҳусниддин Шораҳимов. — Ҳар ойда 5-6 та, мавсумда эса 15-17 тагача тўй ўтказяпмиз. Базмга қарорда кўрсатилганидек, ёшларнинг никоҳ ёшига етганлигига алоҳида эътибор қаратганмиз. Бизда бир меҳмонга 5500-11000 сўмдан тўғри келмоқда. Бундан ташқари, олдингидек, 90-100 кг. ўрнига 30-40 кг. гуруч дамланмоқда. Буни ҳам тўйларнинг тобора ихчамлашиб бораётганидан далолат дейиш мумкин.

— 320 ўринли тўйхонамиз бор. Унда ойида бир ёки иккита тадбир ўтказаяпмиз. Аксарият ҳолларда кичик тадбирлардан буюртмалар олиб турибмиз. Қолган пайтлар эса тўйхонамиз бўш қолаяпти. Айни пайтда бир нарсани ўйлаб турибмиз, — дейди тумандаги «Динора» тўйхонаси раҳбари Мурод Қодиров. — Буюртмалар кам бўлгани сабабли залимиз аксарият ҳолларда бўш қолмоқда. Шунинг ўрнига тикувчилик цехи очишни режалаштириб турибмиз. Насиб қилса, режаларимизни амалга оширсак, 20 чоғли ёшлар доимий иш билан таъминланади.

Хулоса ўрнида таъкидласак, тўй тараддудида юрган юртдошларимизнинг оқилона иш тутиб, дабдабали базмлар фарзандларининг келажаги, бахтини кафолатлай олмаслигини теран англаши фурсати етган кўринади.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

■ МАЪРИФАТ

Абдулла Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институтида юртимиз олий ўқув юртлари бўйича ўтказилаётган китобхонлар танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

БАДИИЙ ТАФАККУР МАҲСУЛИ

Унда Жиззах политехника, педагогика ҳамда Гулистон давлат университетининг китобсевар жамоалари китоб — бадиий тафаккур маҳсули, нутқий маҳорат, асарлардан яралган наволар каби бешта шарт бўйича ўзаро беллашишди.

— Ушбу тадбир менда катта таассурот қолдирди, — дейди иштирокчи З.Иброҳимова. — Келгусида китобга бўлган ошуфталигим янада мукаммаллашади, китобсевар инсонлар билан дўстлигимиз мустаҳкамланади.

Ҳайъат томонидан Жиззах давлат педагогика институти жамоаси танлов ғолиби деб топилиб, республика босқичига йўлланма олди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Қашқадарё вилоятида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.



Фестивал доирасида Муборак, Нишон, Касби, Миришкор, Деҳқонобод, Қамаши туманларида «Сиз севган қаҳрамонлар», «Замонамиз қаҳрамонлари» каби мавзуларда таниқли адиб ва шоирлар, актёрлар, рассомлар билан ижодий учрашувлар, «Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти», «Президент асарлари билимдони» мавзуларида семинар ҳамда танловлар ташкил этилди. Шунингдек, «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳаси доирасида футбол ва волейбол бўйича «Камолот» кубоги мусобақалари ўтказилди.

Суратда: фестивал иштирокчилари.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

■ СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши томонидан «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида уюштирилган мусобақа ташкилотчилари шундай имкониятга эга бўлдилар.

САМАРҚАНДГА ЙЎЛЛАНМА

Кенгаш тасарруфидаги бошланғич ташкилотларда меҳнаткашлар ҳамда улар оила аъзоларининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишини кундалик турмуш тарзига айлантириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бу орқали аъзоларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил қилинган «Спорт — саломатлик гарови» шиори остидаги мусобақалар барча жамоаларда қизғин тус олди.

«Хоразм ҳақиқати» газетаси таҳририятида шахмат, 19-сон умумтаълим мактабида спортнинг беш тури, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида спортнинг тўрт тури, 2-академик лицей спорт мажмуасида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ишчи-ходимлари ўртасида спортнинг беш тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Шунингдек, Урганч шаҳар футбол федерацияси билан ҳамкорликда эркаклар ўртасида мини футбол ўйинлари ташкил қилинди. Ушбу мусобақаларда 500 га яқин касаба уюшма аъзоси фаол иштирок этди. 108 нафар иштирокчи ғолиблик шоҳсупасидан жой олишга муваффақ бўлди. Ғолиблар кенгаш фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Мусобақаларни ташкил қилишда фаоллик кўрсатган, ўз жамоаларини ғалаба сари етаклаган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари Самарқанд шаҳрига саёҳатга бориш имкониятини қўлга киритдилар.

Сафаргул БЕРДИЕВА, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси

Реклама

Чотқол дарёси бўйида жойлашган

«КОНСТРУКТОР»

Болалар соғломлаштириш оромгоҳи

аҳолига харид қилиш учун талабномалар қабул қилади

Соғломлаштириш мавсуми 15 кунлик 4 сменада ташкил этилади.

Мавсумнинг бошланиши –14. 06. 2013 й.

Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани., Ғалаба-1 Тел: 248-15-01; 248-10-03.





Хизматлар лицензияланган

■ МАДАНИЯТ

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Майдон томошалари санъати республика телефестивали»да Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари дорбозлари жамоаси, анъанавий цирк санъати гуруҳлари, масхарабозлик, қўғирчоқбозлик ва карнай-сурнай ижрочилари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

МАЙДОН ТОМОШАЛАРИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган фестивал халқ ўйинлари ва маънавий меросимиз дурдоналарини асраш ҳамда ёш авлоднинг миллий анъаналаримизга қизиқишини орттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Фестивални Фарғонадан келган Аҳаджон Муродов бошчилигидаги «Қўқон минори» дорбозлар гуруҳи бошлаб берди. Водийнинг 300 дан зиёд санъаткорлари қаторида «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят аъзоларининг ижод намуналари кўргазмаси барчада қизиқиш уйғотди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Марказий кенгашнинг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Дилбар Тўхтаевага падари бузруквори

АЛИ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тармоқ касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг собиқ мутахассиси

Камалатдин АУЕЗБЕКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev

Navbatchi: N.Mahamov

Musahhih: J.Ergashev

Bosishga topshirish vaqti - 20. 20 Topshirildi - 22. 30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 411 20265 nusxada bosildi 1 2 4 5